

## БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

*Ўразбой Кукланович Эрнийёзов*

*Тошкент давлат транспорт университети  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация** – ушбу мақолада уйғониш даврини бевосита таълим соҳасисиз тассавур қилиш мушкул бўлган даврда ёшларнинг таълим тарбиясини энг бирламчи масалаларидан бири қилиб илгари сурган ҳолда, амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларнинг яқин йилларда ўзининг кутилган натижаларининг илмий хулосалари келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Таълим-тарбия, учинчи Ренессанс, "Байтул ҳикма", "Маъмун академияси", "Узлуксиз маънавий тарбия концепция"си.

**КИРИШ.** Глобаллашув даврида Юртимизда янгиланиш жараёнлари ва ислоҳотлар амалга оширилаётган бир даврда мамлакатизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларга эришиш, ва унинг келажагини таъминлаш учун, аввало, ёш авлодларнинг дунёқарашини шакллантиришда миллий кадрларимизга таянган ҳолда янги Ўзбекистонда янгича дунёқарашни шакллантиришга эҳтиёж сезилмоқда. Шу боисдан, ёшларимизда ватанга муҳаббат руҳини уйғотишда, авваламбор, таълим-тарбияга алоҳида эътибор қаратиш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга. Бу эса Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг асосий шартларидан биридир. Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш соҳаларига муттасил равишда юқори самарадорликка асосланиб келмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишга ҳаракат қилаётган Ўзбекистон учун бугунги кунда таълим-тарбия жараёнларида асосий диққат-эътибор ёшларнинг ижтимоий-сиёсий дунё қарашларини, фикрлашларини Ватан манфаатларига йўналтириш долзарб вазифалардан биридир. Бугун Юртимизда янгиланиш жараёнлари ва ислоҳотларга дахлдорлигини чуқур ҳис қиладиган, мамлакатимизнинг энг ривожланган давлатлар қаторига киришидаги ўз ўрни ва иштирокини теран англайдиган, бу йўлда фаол фуқаролик позициясига, креатив ва инновацион тафаккурга ва ғояга эга бўлган замонавий ёшларни тарбиялашда таълимни ривожлантиришнинг концептуал асослари ва амалий фаолият мезонлари ишлаб чиқилмоқда.

Келажак пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар

бир бола тимсолида, аввало шахсни кўриши лозим. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, комил инсонлар этиб вояга етказиш иши таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб қолади. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади. Талимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш тизимларини тубдан янгича ислоҳ қилишга ниҳоятда катта эътибор қаратилаётганлигининг боиси ҳам шунда. Кўплаб мамлакатлар барқарор ривожланишининг янги даражага кўтарилиши ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган асос, бу таълим, фан ҳамда инновациядир.

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам кўйганимиз, эришаётган залварли ютуқларимизнинг эътирофидир. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев тантанали табрик нутқида тараққиётимизнинг мақсади Учинчи Ренессанс бўлиши лозимлигини таъкидлади. Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айна ҳақиқат бўлади.

Ҳақиқатан тарихан олганда биз икки Ренессансни бошдан кечирдик:

1. IX-XIII асрларда Марказий Осиёда Мўғуллар истильосигача бўлган давр, у ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби қомусий олимлар, астраном ал-Фарғоний, Бухоро тарихчиси Наршахий, Ибн Сино каби қомусий олимлар, астроном ал-Фарғоний, Юсуф Хос Ҳожиб каби буюк даҳолар, буюк муҳаддислар – Бухорий, Термизий, Мутакаллимлар – Мотуридий ва Абул Муин Насафий ҳамда бошқа атоқли дунёвий ва диний алломалар шуури оламни ёритиши билан боғлиқ.

2. Иккинчи Ренессанси ХИВ аср охирги чораги – ХВИ аср биринчи чораги Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар сулоласи 1,5 млн. кв. километр территорияда ҳукмронлик қилган (ХИВ-ХВИ асрлар) даврига тўғри келади. Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи, Абдурахмон Жомий, Лутфий, Низомиддин Мир Алишер Навоий, Ҳусайин Воиз Кошифий, Камолиддин Бегзод каби буюк меъморлар, бастакорлар, мусаввирлар, тарихчилар чиқиб, бугун ҳам дунёни лол қолдираётган асарлар яратдилар.

“Байтул ҳикма”да 40 дан ортиқ таржимонлар қадимги юнон тилидан, 14 нафар таржимон санскрит тилидан, 4 нафар таржимон Хитой тилидан илмий, тиббий ва фалсафий асарларни арабчага ўгирган. “Байтул ҳикма”, Хоразм Маъмун Академияси, умуман, ислом олами олимлари фаолияти ўша даврдаги

халқаро илмий интеграциянинг энг ёрқин намуналаридан биридир. Биринчи ва иккинчи ренессансларнинг маънавий асосларини ва сабабларини ҳамда кейинги инқирозини чуқур ўрганмасдан, биз Учинчи Ренессансни муваффақиятли амалга ошира олмаймиз. Бугун ҳам бизга гоёвий ва илмий толерантлик, илмга, ҳақиқатга ташналик, миллий маҳдудликни, гоёвий мутассибликни тамомила инкор этиш хос бўлмоғи лозим.

Ҳар икки Ренессанс даврида биз дунёнинг илғор, мутараққий халқлари қаторида эдик. Агар яна шундай даражага эришмоқчи бўлсак, Учинчи Ренессансни амалга оширишимиз зарурдир.

Учинчи Ренессанс биздан халқаро ҳамжамиятга илм-фан, технологиялар, ахборот, маданият ва иқтисодиёт соҳаларида янада чуқурроқ интеграция зарурлигини тақозо этади. Жамият тараққиётининг пировард мақсади ҳам инсон, унинг фаровон, эркин ва хавфсиз турмуш кечиришидир. Жамият талабларига тўлиқ жавоб берадиган киши турли даврларда ҳар хил аталган. Юсуф Хос Ҳожиб уни “тугал эр”, Форобий “фозил киши”, тасаввуф намояндлари “комил инсон” деб атаганлар. “Ҳар томонлама ривожланган шахс”, “уйғун ривожланган шахс” атамалари ҳам қўлланилган.

Абдулла Авлоний тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир деб такидлагани ҳозирги кунда биз айни чоғда ҳаёт-мамот масаласи – фарзандларимизнинг таълим-тарбиясини энг бирламчи масалаларидан бири қилиб илгари сурилаётгани ҳам сўзимизни исботи десак бўлади. Бугунги кунда олиб борилаётган сиёсат ҳам яқин йилларда ўзининг кутилган натижасини беради. Бизнинг табаррук заминимиздан бутун дунё Уйғонишга туртки берган Ибн Сино, Мусо ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби олим ва ижодкорлар яна кўплаб етишиб чиқишига ишонамиз.

Ниҳоятда жозибали мазкур стратегик гоё ўзининг улуғворлиги, миллий юксалиш барча соҳаларда қандай умумий мақсадни кўзламоғи зарурлигини кўрсатади. Амалда давлат раҳбари тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон миллий гоёсининг янги ва аниқлаштирилган мазмунини ифода этади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда ёш авлод тарбиясида ҳал қилувчи ўрин тутадиган боғчалар ва мактаблар тизимида мақтанишга арзигулик улкан ишлар қилинди. Президент мактаблари, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари қуриш ҳамда Замонавий мактаб дастурини жорий этиш борасидаги сай-ҳаракатлар ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон республикаси президентининг “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ушбу ислоҳотларни амалга оширишда катта аҳамиятга эга. “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, - деган

эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев, - бунга фақат ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун янги авлод ўқув юртигача, таълимнинг барча бўғинида ислоҳот қилишни бошладик. Илм йўқ жойда, қалоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси миллий кадриятларимизга содик бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши лозим.

2019-2021 йилларда мутлақо янги мазмун ва шаклдаги 14 та Президент мактаби, 9 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун 2022-йил ҳолатига кўра олий ўқув юртлари сони 162 тага етган, жумладан, 30 та нуфузли хорижий университетнинг филиаллари ҳамда 25та нодавлат олий ўқув юртлари . Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та кўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига 2021-2022- ўқув йилида жами 808,4 нафар талаба ўқишга қабул қилинди.

Амалга ошираётган ислоҳотларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда. Хусусан, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири – “Эсономист” журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислоҳотларни энг жадал амалга оширган давлат – “Йил мамлакати” деб эътироф этди. Буюк Британиянинг Тимес Ҳигхер Эдусатион агентлиги томонидан эълон қилинган “World Университи Ранкинги – 2023” рейтинг натижаларига кўра, бу йил республиканинг яна 18 та олий таълим муассасаси «репортер» мақомида қайд этилди. Бу билан Топ-1000 талик рейтингдан жой олиш учун даъвогарлар ўтган йилги 10 тадан 28 тага етди. Тараққиёт стратегияси лойиҳасига кўра, келгуси 5 йилда мактабгача таълимдаги қамров даражасини 62 фоиздан 80 фоизга етказиш режалаштирилмоқда. 2026-йилга келиб эса 6 ёшли болаларни 100 фоиз мактабгача тайёрлов тизими билан қамраб олиш кутилмоқда. Бунинг учун эса 7 мингдан ортиқ нодавлат муассасаларни қуриш, 160 мингдан кўпроқ кадрлар малакасини ошириш мақсад қилинган.

Концепциянинг жорий қилиниши узлуксиз маънавий тарбия жараёнининг тизимли ташкил этилишига, тарбия соҳасининг илғор инновацион технологиялар асосида такомиллашувига, ёшларнинг Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилиқ, масъулиятлиқ, бағри кенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби таянч компетенциялар билан мустақил ҳаётга кириб боришлари учун зарур шарт-шароитлар Бунинг учун уларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид бадиий асарлар, кинофильмлар, театр асарлари, ҳужжатли

фильмлар яратиш зарур. Уларнинг портретлари мактаб, коллеж, лицей, олий таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, маданият саройлари, кутубхоналар, кино ва концерт заллари фоеларида, хатто метро бекатларида бўлса, ёш авлодга ўрناк олиш, тақлид қилиш, интилиш учун имкониятлар яратган бўлар эдик. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов ўз пайтида ижод аҳлига кино, телевидение ва театрларимизда замонамиз қахрамонлари образларини яратиш тўғрисида ниҳоятда зарур кўрсатмалар берган эди. Лекин, афсуски, бу вазифа кўнгилдагидек бажарилмади. Чунки фарзандларимиз ўзимизнинг миллий қахрамонларимизни билмаса, у ҳолда, четдан “қахрамон” излаб топади. У топган “қахрамон” банклардаги сейфларни очиб, пул ўмарадиган ўғрими, одам ўлдиришдан тап тортмайдиган ашаддий каллакесарми, инсонларнинг мабдағларини турли замонавий усуллар билан ўзлаштирадиган фирибгарми, буниси энди бизга номаълум. Айтишадик, агар биз ўз фарзандларимизни ўзимиз тарбияламасак, уларни “тарбияловчилар” бир зумда топилади.

**ХУЛОСА.** Хулоса қилиб айтганда, таълим-тарбия — келажак, ҳаёт-мамот масаласи. Шу боис, бу соҳадаги ислохотларни кечиктиришга ҳаққимиз йўқ. Зеро, мамлакатимиз аҳолисининг 64% ёшлар ташкил этар экан, уларни Юртимиздаги янгиланиш жараёнлари ва ислохотлар даврида ёшларни миллат, она Ватанга муҳаббат ва уларнинг тақдирига бефарқ бўлмаган ҳамда ўз аجدодларига муносиб замонавий ёшлар этиб улғайтириш мақсадида таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда, чекка ҳудудларда ҳам замон талабларига мос мактабларнинг барпо этилиши, шунингдек, истеъдодли ўқувчиларни рағбатлантириш борасидаги кенг кўламли ишлар самараси бугун эришилаётган натижалар, ютуқларда ўз ифодасини топмоқда. Дарҳақиқат, янгиланаётган Ўзбекистонда келажакда негизи бу юксак марраларни кўзлаб катта ёлга чиққан, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этаётган биз ёшлармиз. Шундай экан, ҳозирги кундаги Президентимиз томонидан яратилаётган имкониятлар ва ислохотлардан фойдаланган ҳолда барчамиз ягона мақсад ёълида виждонан ишга киришсак, албатта, зафар биз томонда бўлади.

## REFERENCES

1. Раматов, Ж.С., Ҳасанов, М.Н., & Жуманиёзова, Н.С. (2022). ТАЛАБА-ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10-2), 866-874.
2. Эрнийёзов У., РАМАТОВ Ж ., Тухтабоев Э., Валиев Л., Жуманиёзова Н., & Ҳасанов М. (2022). ШРИ АУРОБИНДО ҚАРАШЛАРИДА ИНСОН ВА УНИНГ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЗАРУРАТИ . *World Scientific Research Journal*, 9(1), 197–202. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2285>

3. Миршод Нўмонович Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙ ТАЪЛИМОТИ АСОСИДА БАРКАМОЛ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИЛИШ МАСАЛАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 393-398.

4. Ж. С. Раматов, М. Н. Ҳасанов, & Ж. Қ. Шукулов (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙ НИГОҲИДА ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАСИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 1), 976-979.

5. Jumaniyoz Ramatov, Rozigul Umarova, Rashid Baratov, Mirshod Khasanov, Siroj Sultonov, & Fayzulla Kushakov (2022). MODERN REQUIREMENTS FOR THE SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE AND ITS MANIFESTATION IN PRACTICE. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 582-586.

6. Ramatov, J.S., & Khasanov, M.N. (2022). SOCIAL ASPECTS OF PROFESSIONAL QUALITY IMPROVEMENT (ON THE EXAMPLE OF THE RAILWAY SECTOR). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 969-976.

7. Раматов, Ж.С., Валиев, Л.А., & Хасанов, М.Н. (2022). XIX АСРДА ҲИНДИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ – ФАЛСАФИЙ ЖАРАЁНЛАР. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 1070-1078.

8. Жўрабоев, Н. Ю., Кушаков, Ф. А., Султанов, С. Ҳ., & Хасанов, М. Н. (2022). КОНФУЦИЙЛИК ХУСУСИЯТЛАРИДАН ХИТОЙ ФАЛСАФАСИНИНГ КЕНГАЙИШИ. *World scientific research journal*, 9(2), 37-42.

9. Ruzigul, U., Nasirjan, J., Dilmurodkhakim, A., Mirshod, N., & Urozboy, E. (2020). Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(5), 1453-1458.

10. Раматов, Ж. С., Эрнийёзов, У. К., Султанов, С. Ҳ., & Хасанов, М. Н. (2022). САНЪАТНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. *World scientific research journal*, 9(2), 65-70.

11. Абдурашидова, Нилуфар Абдурашидовна, & Хасанов, М. (2022). ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИДА ДИН ВА АҲЛОҚНИНГ ЎЗАРО МУТАНОСИБЛИГИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10), 1226-1235.

12. Ж. С. Раматов, & М. Ҳасанов (2022). ШАХС ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ИЛМНИНГ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (7), 35-39.

13. Ф. А. Кушаков, М. Н. Ҳасанов, Р. Ў. Баратов, Ж. С. Раматов, & С. Ҳ. Султанов (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 803-810.

14. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Кушаков, Файзулла Абдуллаевич, Валиев, Л.А., & Хасанов, М.Н. (2022). ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ МИСОЛИДА). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (9), 606-612.

15. Ж. С. Раматов, М. Ҳасанов, & Лочин Азаматович Валиев (2022). АУРОБИНДО ГҲОШ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАЛСАФИЙ МЕЪРОСИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 1161-1169.

16. М.Н.Ҳасанов, А.А.Азимбаев, Ҳалилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ. *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>

17. Ж. С. Раматов, & М. Ҳасанов (2022). МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИЩДА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 952-956.

18. Раматов, Ж.С., Ҳасанов, М.Н., & Жуманиёзова, Н.С. (2022). ТАЛАБА-ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10-2), 866-874.

19. Насиба Шарифовна Юнусова, & Муслимахон Яхяева (2022). МОЛОДЕЖЬ И ИНФОРМАЦИОННАЯ СРЕДА. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 372-376.

20. Н. Ш. Юнусова (2022). ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 1), 339-341.

21. Юнусова Насиба Шарифовна, Назарова Нилуфар Жўраевна, & Жуманиязова Насиба Сапарбоевна (2022). ПЕДАГОГЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МИСОЛИДА). *Современное образование (Узбекистан)*, (6 (115)), 9-16. doi: 10.34920/SO/VOL\_2022\_ISSUE\_6\_2

22. Н. Ш. Юнусова, Жавлон Алимухаммедов, & Муҳаммад Суяров (2022). ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ДИН ВА АХЛОҚ МАСАЛАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 1), 222-226.

23. Sharifovna, Y. N. (2021). Theoretical Fundamentals of Spiritual Culture Research. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 2(9), 111-115.

24. Юнусова Насиба Шарифовна, Назарова Нилуфар Жўраевна, & Жуманиязова Насиба Сапарбоевна (2022). ПЕДАГОГЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МИСОЛИДА). *Современное образование (Узбекистан)*, (6 (115)), 9-16. doi: 10.34920/SO/VOL\_2022\_ISSUE\_6\_2

25. Yunusova Nasiba Sharifovna. (2021). Mass Culture and Informational-Psychological Security in The Modern Process. *Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT*, 9, 68–72. Retrieved from <https://literature.academicjournal.io/index.php/literature/article/view/86>